# Ислом поклик дини




17:30 / 08.03.2020 3329

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: إِذَا أَتَى أَحَدُكُمْ أَهْلَهُ ثُمَّ أَرَادَ أَنْ يَعُودَ فَلْيَتَوَضَّأْ بَيْنَهُمَا وُضُوءًا. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلاَّ الْبُخَارِيَّ.

Абу Саъийд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирингиз ўз аҳлига (яқин) келса-ю, сўнгра яна қайтишни ирода қилса, икковининг орасида бир таҳорат қилиб олсин», дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Бу ҳадисдан ҳам аёлига бир мартадан ортиқ яқинлик қилган одамга бир ғусл вожиб бўлиши билинади. Фақат биринчи ва иккинчи яқинлик орасида таҳорат қилиб олиш лозим. Бу ҳам поклик учун, ҳам тетик бўлиш учун хизмат қилади. Шу билан бирга, Исломнинг осонлик дини эканлигига

далолат қилади.

***«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан***